# Янги йилингиз қутлуғ келсин!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 30 декабрь ● сешанба ● № 57-58 (617) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz


# Бахт ва омад йили бўлсин!









**Азиз ватандошлар! *Янги йил эшик қоқиб турибди. Орзу-умидларимиз, эзгу-мақсадларимиз ижобати тимсолида кўз тикиб турган 2009 йил ҳар қайсимизнинг хонадонимизга файз-барака, юртимизга тинчлик хотиржамлик олиб келсин!***

## Янги йил остонасида

### Юксак зафарлар сари



**Мавжуда РАЖАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси**

*ИНСОН ҳуқуқ ва эркинликлари устувор бўлган мамлакатда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими ҳам, иқтисодиёт ва саноат ҳам жадал суратда такомиллашиб боришини яхши биламиз. Шу маънода 2008 йил мобайнида республикамиз миқёсида қўлга киритилган ютуқлар салмоғи тўғрисида сўз юритсак, эҳтимол нокамтарлик бўлар.*

*Янги йилни ёруғ юз, эзгу орзу-умидлар билан кутиб олаётган юртдошларимизни самимий муборакбод этишдан беҳад мамнунман. Ўйлайманки, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да бундан-да юксакроқ зафарлар қўлга киритилади.*

*Азиз ҳамюртлар! Янги йил хонадонингизга файз, тўкин-сочинлик олиб келсин!*

### Ўз самарасини бермоқда

*ХАЛҚИМИЗ ҳаётида ўчмас из қолдирган "Ёшлар йили" поёнига етаётган айни лаҳзаларда мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, қўйингки, барча жабҳаларда ғоятда салмоқли ишлар амалга оширилганидан, албатта, ғурурланамиз. Халқимизнинг эркин ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, иқтисодиётимизни янада юксалтириш мақсадида қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Айни кезда бу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз ижобий самарасини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.*



**Нурдинжон ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси**

*Дарҳақиқат, том маънода сермаҳсул ва баракали 2008 йилни кузатар эканмиз, Янги йилда эришажак ютуқларимиз бундан-да салмоқли бўлсин, дея ният қиламиз. Ва албатта, юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини чин дилдан тилаймиз.*

### Барча шароитлар мавжуд

*2008 ЙИЛ ЮРТИМИЗДА "Ёшлар йили" деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган махсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганига барчамиз гувоҳмиз.*

*Мен ҳам давлатимиз томонидан иқтидорли талабалар учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, 2008 йилда Олий таълим муассасалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўн бир йўналиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси танловида қатнашиб, "Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар" йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби бўлдим. Бундай муваффақиятга эришишимда мамлакатимизда замон талабларига мос келадиган малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим шаклланганлигидир, деб биламан. Келаётган йилда барча тенгдошларимга ҳам омад тилайман.*



**Баҳодир МИРЗАРАИМОВ, ТДЮИ талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби**

### Омадли келди



**Хумоюн ШУКУРОВ, Осиё очиқ чемпионати совриндори**

*"ЁШЛАР ЙИЛИ" ҳақиқий маънода мен учун омадли келди.*

*Ҳали мактаб партасига ўтиришга улгурмай спорт билан шуғулланиш учун машғулотхоналарга борар эдим. Мақсадим кучли, соғлом бўлиш ва Ўзбекистонимиз шарафини дунё миқёсида ҳимоя қилиш эди. Астойдил яхши ният қилинса, амалга ошар экан. 19-21 декабрь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида каратэ бўйича ўтказилган Осиё очиқ чемпионатининг яккалик кумитэ баҳсларида иштирок этиб, олтин медаль ва махсус кубок билан тақдирландим. Тақдирлаш маросимида ватанимизнинг байроғи баланд кўтарилди ва мадҳиямиз янгради. Ана шу дамда фахрланиб кетдим. Бу мақсадим сари ташлаган илк қадамларимдан бири бўлди.*

*Мен тенқурларимга ҳам байрам арафасида улкан зафарлар тилайман.*


## «Обуна — 2009»

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БУХОРО, АНДИЖОН, ТОШКЕНТ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ**

**ҳудудий адлия бошқармалари газета обунасида фаол иштирок этмоқда!**



*Бугунги ўқувчи ўзига маънавий озуқа берадиган, идрокини кенгайтирадиган, жамият, давр ҳодисаларини тўлақонли талқин қила биладиган нашрни танлайди. Лўнда қилиб айтганда, газетхон ўзига фойдаси тегадиган газетани танлайди.*

*"Инсон ва қонун" барча соҳалардаги муаммо ва масалалар, ўқувчини қизиқтирган ҳуқуқий саволларга ечим излайдиган ҳуқуқий-тарғибот минбаридир. Ёшу кекса, барчага баробар, аҳолининг барча қатламларига хосу мос мавзуларга ўрин ажратадиган нашрлардан биридир.*

*Бугунга қадар газетамизга вазирлик раҳбарияти кўмаги, вилоятлар ҳуқуқий адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари саъй-ҳаракати, энг муҳими, кўп минг сонли ўқувчиларимиз хоҳиш-истаги билан обуна уюшқоқлик билан ташкил этилди.*

*Нашр кўрсаткичимиз — 137*


● *2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

## Ҳурмат ва ишонч намунаси

**ОЙНАИ ЖАҲОН орқали Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимни диққат билан кузатиб, Юртбошимизнинг маърузасини жон қулоғим билан эшитдим. Мени қувонтиргани шу бўлдики, 2009 йил мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди.**

Энг эътиборлиси, Президентимиз ўз маърузасида **"Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача қилиб айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга"** дея таъкидлаб, бизни яна бир бор ўз қанотлари остига олди. Шу билан бирга фермерлик ҳаракатини янада жонлантириш йўлида зиммамизга катта масъулият юклади.



1997 йилда фермер хўжалигимиз ташкил қилиниб, унга 153 гектар ер ажратиб берилди. Ер майдонларимиз Марказий Фарғона чўлларида жойлашган. Истиқлолгача бўлган йилларда бу ҳудуддаги ерлар бор-йўғи 12-13 центнердан ҳосил берган, холос. Ҳозир эса пахтадан 35 центнер, буғдойдан 43 центнердан хирмон кўтариб, шартномавий режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз. Даромад эвазига хўжалигимиз учун зарур бўлган 7 та техника воситаларини сотиб олдик.

2003 йилда ҳукуматимиз мени "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" унвони билан тақдирлади. Муваффақиятларимизнинг бирдан-бир омили шахсан давлатимиз раҳбарининг бизни қўллаб-қувватлаётганидир. Яъни эмин-эркин ва бардавом фаолият юритишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб беріляпти.

**Мамадали ЎЛМАСОВ, Охунбобоев туманидаги "Мамадалиев Лазизбек" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор**

2 →

# 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## Эзгу мақсадлар йўли

**ЖОРИЙ ЙИЛ биз фермерлар учун янги ютуқлар, зафарлар йили бўлди. Тошкентда дунёга машҳур “Узэкспомарказ” кўргазмалар залига ташриф буюриб 55 миллион сўмлик TL-5060 маркали трактор харид қилиб олдим. 167 гектар ер майдонимизда етиштирган пахта, ғалла маҳсулотлари режасини ортиғи билан уддаладик. Кўп болали оилаларга моддий кўмак бердик. “Ёшлар йили” муносабати билан ўтказилган тадбирларда ўз ҳомийлигимиз билан иштирок этдик.**



Ҳар бир йилнинг ўзига хос ном билан аталишида катта маъно бор. Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда олиб борилаётган эзгу ишларнинг давомчиси бўлган, улкан режалар остонасида турган 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланиши биз, деҳқон ва фермерлар учун янада қувончли бўлди. Негаки, тугаётган йил давомида амалга ошира олмай қолган ишларимизни, кимнингдир кўнглини олиш, кимгадир ғамхўрлик кўрсатиш, эл корига ярашдек эзгу мақсадларимизни янги йилда амалга оширишимиз учун имконимиз бор.

**Очил ХОЛМОНОВ,**
**“Маманазар ота — кероит” фермер хўжалиги раиси**



## Қишлоқдан ҳам дунёга йўл очилмоқда

**МАНА ЙИЛНИ ҳам якунлаш арафасидамиз. Ортда қолаётган йил турмушимизда, шу қатори, “Файз” фермер хўжалигида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимиз ҳаётида унутилмас из қолдирди. Пахта, ғалла етиштириш бўйича режани ортиғи билан бажардик. Энг қувонарлиси, жорий йилда саксон тўрт миллион сўм кредит асосида Украинадан фермер хўжалигимизга “Қизил чўл” наслли ўттиз бош қорамол олиб келинди.**



БУГУНГИ кунда хўжалигимизда олтмиш нафар ишчи бўлиб, улардан 70 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Ишчиларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш мақсадида, теннис корти, валейбол, баскетбол майдони, оғир тош кўтариш учун махсус спорт иншоотлари қурилди. Швецарияда бўлганимда мен соҳамиз бўйича фаолият юритаётган чет эллик ҳамкасбларимизнинг шарт-шароитларини кўриб, “Ўзбекистонимизда, Ғиждувонда ҳам худди шундай шароит яратаман”, деб ният қилгандим. Шу ниятимни амалга оширишга ҳаракат қилаяпман.

Байрам арафаси 2009 йилнинг **“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”** деб эълон қилиниши амалий ишларимизнинг эътирофи бўлди, десам янглишмайман.

Мен кириб келаётган янги 2009 йилда ҳам ўз олдимга қўйган мақсадларимга эришишга ҳаракат қиламан. Қишлоқларимизнинг ободлиги, халқимизнинг фаровон турмуши йўлида имконим борича ҳаракатда бўламан.

**Рустам ФАЙЗИЕВ,**
**“Файз” фермер хўжалиги раҳбари,**
**Бухоро вилояти**

## Буюк таълимотларда инсон ҳуқуқи масалалари

**ҲОЗИРГИ ВАҚТДА жамиятнинг диққат-эътиборида бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жабр-зулмга қарши курашиш масаласи ҳам кеча ёки бугуннинг гапи эмас. Бу масала ҳали кўпгина давлатларда “ҳуқуқ” тушунчаси пайдо бўлмасдан илгари бизнинг минтақамизда пайдо бўлган масала. Узоқ ўтмишга эга халқимиз ҳамма вақт жабр ва зулмга қарши курашиб келган. Буни ўн икки асрдан буён миллионлаб инсонлар қалбини мунаввар этиб келаётган буюк бобокалонимиз Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарининг қуйидаги 588-ҳадисидан ҳам англаш мумкин: “Фаразан бир тоғ иккинчи тоққа зулм қилса, бу зулм қилувчи тоғ, албатта, майда-майда қилиб юборилади. Чунки зулм шундай ёмон хулқки, у асло кечирмайди. Бу инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто жисмлар учун ҳам тааллуқлидир”.**

Жабр-зулмларнинг буюк халоскори тариқасида нафақат Шарқ, балки Европа мамлакатларида тан олинган улуғ бобокалонларимиздан яна бири — давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг “Тузуклар”ида шундай дейилади: **“Оддий одамларга асоссиз жабру ситам ўтказадиган зулмкорлар ва зўравонлар билан муросасиз бўлдим”**. Шунингдек, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий юрт ҳокимлари ҳақида сўзлар экан, **“уларнинг мамлакатни обод қилиши, фақир ва ожизларга ғамхўрлиги, безори ва золимларни жазолашини Адолат омили деб билади”**. Демак, бу фикрлар қадимдан бобокалонларимиз диққат марказида бўлиб келганлигидан далолат беради.

Юқоридаги муаммоларнинг Абу Райҳон Беруний қарашларида ифодаланишига эътибор берсак, Беруний кишилар ҳаётида ёмонликни тагтомири билан йўқотиш истаганини кўрамиз.

Беруний ёлғон сўзловчиларни қаттиқ қоралайди ва кишиларни ҳақгўйлик, ростгўйликка астойдил ундайди.

Берунийнинг қарашларида инсонга ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ғоялари болаликдан ўргатилиши лозим. Шунда жамиятда кишилар бир-бирига ёмонлик қилишмайди. Бу ҳол жамиятда одиллик, тинчлик ва дўстлик қарор топишига шароит яратади.

Бундан ташқари, улуғ аллома ўз асарларида инсоннинг тарбия топиши, камолга етиши — унинг тафаккури ривожланганлигига, ахлоқан баркамоллигига, соғлом ва жисмонан бақувват бўлишига боғлиқ эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган. “Беруний таъкидлашича: шахснинг камолга етиши тажрибага таянувчи ақл-идрокнинг амал қилишидан бошланади. Бинобарин, инсон ташқи дунёни билишга қобил, ана шу асосда у билимлар олади, билимлар эса унинг фикрини ҳақиқат билан бир нарса қилиб қўяди, ҳақиқат эса “тўғри қалб”ни, яъни тўғри ислоҳотлар туйғуларни тақозо этади. Инсон шахси шу тариқа камол топиб боради”.

Абу Райҳон Берунийнинг юқоридаги каби қарашларидан шу нарса аён бўладики, айнан маърифатпарварлик адолатли давлат қуришда жамият аъзолари учун асосий ғоя ҳисобланади.

Шунингдек, Форобийнинг фикрига кўра, ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади. Бу эса, ўз навбатида, мукаммал, юксак маънавий талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқарадиган механизм сифатида юзага чиқиши лозим. Қонун орқали бошқарув, одатда, бошқариш объектига нисбатан салбий таъсир ўтказувчи субъектив омилнинг таъсир даражасини пасайтиради. Қонунга қатъий риоя қилиш ҳам ҳукмдорларнинг, ҳам халқнинг “ахмоқона қилмишлари”нинг олдини олади ва фозилликка етаклайди. Қонунларнинг самарали бўлиши учун зарур билимлар, белгиланган қонун-қоидаларни ишга туширувчи механизмлар, таълим-тарбия тизими ва мувофиқ методология бўлмоғи лозим.

Айни чоғда Абу Али ибн Сино ўз ҳуқуқий қарашларида шундай ёзади: **“Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бирбирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос (қонун чиқарувчи — изоҳ бизники Ф.М) эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва судьяни тан олиш зурурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар”**. Кўриниб турибдики, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши зарур, адолатсизликка йўл қўймаслиги даркор.

**Фируза МУҲИДДИНОВА,**
**ТДЮИ доценти**

● *Адлия ёрдам берди*

## Тадбиркорлар ҳуқуқи ишончли ҳимояда

**МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомга асосан адлия органларига тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилди.**



Қарор ижросини таъминлаш борасида Тошкент вилояти адлия бошқармасининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Паркент туманида яшовчи фуқаро У.Усмановнинг туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёзган аризаси адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, Паркент тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2008 йил 16 июлдаги 153 “хс”-сонли буйруғи билан ДСИ ходимлари томонидан Мавжуда Усмоновага тегишли савдо дўконида режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Ушбу жараёнда текшириш тартиби бузилганлиги, яъни текшириш далолатномасига холис гувоҳ сифатида қатнашган фуқаро У.Ўрмоновнинг турар жойига бориб имзо қўйдирилганлиги аниқланди.

Мазкур масала юзасидан Паркент тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва такроран йўл қўйишнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан амалдаги қонунларга мувофиқ 2008 йил 22 август куни 11-02/2860-сонли тақдимнома киритилди.

Паркент тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2008 йил 4 сентябрдаги “Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида”ги 12 “шт”-сонли буйруғига асосан ДСИ ходимлари О.Тошов ва А.Миралиевларга интизомий жазо белгиланиб, А.Абдувохитовга “ҳайфсан” интизомий жазоси тайинланди.

Айтиш жоизки, ўтган йил мобайнида бошқарма томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Масалан, 2006-2007 йиллар давомида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказилган текширишлар таҳлилий ўрганилди. Текшириш натижасига кўра тегишли ташкилотларга кўрсатма хати юборилди ва қонунбузилиш ҳолатларига ваколат доирасида қонуний чоралар кўриш учун вилоят прокуратурасига тақдимнома киритилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувлар кескин камайиб, уларнинг фаолияти янада тараққий топиши шубҳасиз.

**Бегзоджон АДҲАМЖОНОВ,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

## Юристлар мулоқоти

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида ҳар йили бир ярим мингга яқин давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқшунос ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилади.**



Марказ тингловчиларининг назарий ва амалий билимларини кенгайтириш мақсадида бир қатор давлат органлари ҳамкорлигида учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар ва шу каби тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган.

Шу йўналишдаги тадбирларнинг навбатдагиси 2008 йилнинг 24 декабрь куни ташкил этилди. “Инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг тутган ўрни” мавзуидаги давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқа мутасаддилар томонидан Марказ тингловчиларига Омбудсман фаолияти ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти тўғрисида маърузалар қилинди.

Мулоқот руҳида бўлиб ўтган ушбу тадбир сўнгида Юристлар малакасини ошириш марказида таҳсил олаётган марказ тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил маълумотлар олишди.

**Ўз мухбиримиз**



● *Тадбир*

**МИЛЛИЙ МАТБУОТ марказида “Истиқлол йилларида Меҳрибонлик уйлари ва имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига яратилган шароитлар” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

## Ғамхўрлик



Анжуманда мамлакатимизда 28 та Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатаётганлиги ва уларда 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган қарийб 2686 нафар ўғил-қиз тарбияланаётганлиги таъкидланиб, бу ерда тарбияланувчилар сони йилдан-йилга камайиб бораётганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йилда 2003 йилга нисбатан Меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчилар 962 нафар болага камайган. Бу болаларнинг ўз ота-оналари бағрига қайтаётганлигидан ва оилаларнинг моддий ва ижтимоий мавқеи ортиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, тадбирда Меҳрибонлик уйларидаги шарт-шароитлар, тарбияланувчиларга кўрсатилаётган педагогик, тиббий ижтимоий ва психологик хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар тўғрисида, ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларнинг мустақил ҳаётларини барқарор бошлашлари учун ажратилган имтиёзли нафақалар жорий этилганлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Халқ таълими вазирлигининг “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар жамоатчилик жамғармаси билан олиб борилган ҳамкорлик самараси ва оилавий болалар турар жойлари жорий қилинганлиги, оилавий кўринишдаги болалар уйи давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга “Дамас” русумли микроавтобус ва имтиёзли кредитлар ажратилганлиги анжуман ташкилотчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

• *Ғамхўрлик*

# Саодат бешиги

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмларини ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш йўлида кенг имкониятлар очди. Мазкур Фармонда белгилаб қўйилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Фориш тумани ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**



НИКОҲДАН ўтиш учун ариза билан мурожаат қилган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имтиёзлар ҳақида тушунча берилади, ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор қаратилмоқда, уларга доимий ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имкони яратилган.

Туманимиз ҳудуди катта ва аҳолиси кўп миллатли эканлигини назарда тутган ҳолда бўлимимиз фаолияти йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Тумандаги 72 минг нафар аҳолининг 30 фоиздан зиёди қозоқ, тожик, рус ва бошқа миллат вакилларидан иборат. Жамоамиз аҳли аҳолининг барча қатламларига етиб боришга ҳаракат қилмоқда. Ҳамжиҳатликда олиб бораётган фаолиятимиз самарали кечаётир.

Ўтган йил давомида туманимизда 600 дан ортиқ ёшлар никоҳдан ўтган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида эса бу кўрсаткич 500 тани ташкил этди. Шу билан бирга 2006 йилга қиёслаганда 2007 йилда ажримлар сони 9 тага камайганлиги кузатилади.

Узоқ қишлоқларда бўлиб, одамлар билан бевосита мулоқот қилиш, ёш оилалар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш кенг йўлга қўйиляпти. Бу борада биз туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" таянч пункти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими каби ташкилот ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Яқинда бўлим ташкилотчилигида икки нафар кам таъминланган ёш оиланинг никоҳ тўйини ҳамда иккита кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйини ўтказишди. Жорий йилнинг ўтган даврида янги турмуш қурган 100 га яқин келин-куёв иштирокида оила, фарзанд тарбияси каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

"Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш", "Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг асоратлари", "Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари", "ОИТС — аср вабоси" каби мавзуларда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларга мутахассисларнинг жалб қилинаётганлиги одамлар қизиқишини оширмоқда.

Ҳар куни ёш йигит-қизларнинг никоҳини қайд этар эканмиз, уларнинг бахтиёр чеҳраларини кўриб қалбимиз қувончга тўлади. ФҲДЁ бўлими кошонаси чинакам саодат остонаси бўлиб, ёш оилаларни фаровон ва тотли ҳаётга чорлаш истагида жамоамиз астойдил интилмоқда.

**Гавҳар ШАҲАРОВА,**
**Фориш тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

## Тизим тадбирлари

### "Биз қонунни биламиз"

**БУХОРО ШАҲАР Солиқ коллежида вилоят ИИБ, прокуратура, Бухоро тармоқ касаба уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ, вилоят кенгаши давлат нотариал идора нотариуслари, Бахт уйи мудир ва иш юритувчилари ҳакамлигида "Биз қонунни биламиз" мавзуида Солиқ коллежи талабалари ўртасида кўрик танлов ўтказилди. Бундай танловларни ўтказишдан мақсад, ёшларни Конституция ва қонун устуворлиги руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда билимдон малакали юристларни камол топтириш учун кўмаклашишдан иборат.**

Танлов асносида талаба ёшлар Конституциянинг чинакам билимдони эканликларини, унга бўлган ҳурматларини намойиш этдилар.

Танловда ғолиб бўлганлар гуруҳ ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зуҳро МАҚСУДОВА,**
**Бухоро шаҳар Бахт уйи мудираси**

### Қонуний никоҳ афзаллиги

**МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434-сонли Фармойиши ҳамда никоҳдан ажралишлар ва никоҳни қайд эттирмасдан диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ билан турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-табирлар дастури юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирда туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Унда оилавий ажримлар, никоҳ ёши қисқаришининг олдини олиш, қонуний никоҳ ва унинг афзаллиги, никоҳни қайд эттирмасдан диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақидаги маърузалар тингланди.

**Омина ОМОНОВА,**
**Марҳамат тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

• *Фаолият*

# Кадрлар тайёрлаш — муҳим жараён

## Республика Суд департаментида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя этиш, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган. Кенг қамровли бу ислоҳотларни амалиётга татбиқ этишда суд ходимларининг касбий-малакавий тайёргарлиги муҳим ўрин тутади.**

БУГУНГИ КУНДА судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилганлиги судьялар зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Шунингдек, республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳам кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий, демократик принципларга асосланган тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Хўш, шундай экан, суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олишнинг амалдаги тартиби қандай? Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 21 декабрдаги 250-сонли буйруғи билан тасдиқланган **"Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартиби тўғрисида"**ги Низомда бу аниқ-равшан акс эттирилган.

Мазкур Низом олти бобдан иборат бўлиб, унинг "Умумий қоидалар" деб номланган қисмида таъкидланишича, суд ижрочиси лавозимига кадрларни танлов асосида саралаб олишда уларнинг ҳар жиҳатдан пухта билимга эгалиги, ҳалол-поклиги, юклатилган вазифаларни виждонан бажариши инобатга олинади. Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун ўтказиладиган танловга фақатгина белгиланган тартибда бўйича ўтказилади.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармаларидаги кадрлар бўйича масъул ходимлари суд ижрочиси лавозими бўйича бўш ўринларни эгаллаш учун танловда қатнашиш



захирага олинган шахслар қўйилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси бўйича ёш мутахассислардан иборат заҳира таркиби шакллантирилмоқда.

Суд департаменти Марказий аппаратида суд ижрочиси лавозимига тайинлаш бўйича танлов комиссияси тузилганлиги кадр танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Танлов суд ижрочиси лавозимига бўш ўринлар тўғрисида захирага олинган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади. Танловда қатнашиш истагини билдирган шахслар суд департаментининг ҳудудий бошқармасига ариза билан мурожаат қиладилар. Айнан шу мурожаатлар асосида 2008 йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўш ўринлар малакали ходимлар билан тўлдирилди. Хусусан, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят бошқармаларига белгиланган тартибда танловдан ўтказилиб, 173 нафар ходим суд ижрочиси лавозимига ишга қабул қилинди.

Малакали ва одил суд ижрочиларини танлаш ҳамда тарбиялашда юқорида зикр этилган Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг айнан шу масалага оид Фармон ва қарорлари, Адлия вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари фаолиятимизнинг асосий дастуриламали бўлиб хизмат қилаётир. Бундан ташқари, суд ижрочилигига қабул қилинган кадрларнинг барчаси доимий равишда Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўз касбий маҳоратини ошириб келмоқдалар. Жорий йилда 263 нафар суд ижрочиси ўқув курсларига жалб қилинди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, захирага олинган суд ижрочилари билан ишлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Улар вилоятимиз шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган малакали, тажрибали суд ижрочиларига бириктириб қўйилган. Бундан ташқари, улар доимий ҳаракатдаги семинарлар, ўқув-машғулотларида ўз билимларини ошириб бормоқда.

Бундан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса захирага олинган ҳар бир суд ижрочиси инсон ҳуқуқларини холис ҳимоя қилувчи одил кадр бўлиб етишсин. Айнан ана шу эзгу-ният йўлидаги фаолиятимизни бундан буён изчил давом эттириб, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари ижросини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшиб борамиз.

**Ғолибжон ДАВЛАТОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаменти кадрлар бўлими бошлиғи**

• *Қамров*

# Халқаро ҳуқуқ нормалари

## ва миллий қонунчилик уйғунлиги



**ЎЗБЕКИСТОНДА суд ҳокимияти нафақат қонунни қўллайди, унга тушунтириш беради, низоларни ҳал этади, балки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ҳам ҳисобланади.**

**Ўтган давр мобайнида жамиятимизда ўзига хос демократик турмуш-тарзини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши ва бошқарув тизимини янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.**

ЎЗБЕКИСТОН ўзи қабул қилган халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларида кўзда тутилган талабларни миллий қонунчилик тизимига босқичма-босқич сингдириш йўли билан бажармоқда.

Бу жараёнда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг иштироки алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан халқаро ҳуқуқнинг кўплаб умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари бир қатор дастур ва лойиҳалар орқали ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Буни Президентимизнинг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони ҳамда **"Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисида"**ги Қарори мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳар икки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг замирида, аввало, инсон ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилиш ғояси мужассам эканлиги диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган устувор қоидаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилдан бошлаб ўлим жазосининг бутунлай бекор қилинганлиги ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилганлиги фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни конституциявий жиҳатдан янада кафолатлаш сари ташланган тарихий қадам бўлди.

Бу эса Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий стандартларни имплементация қилиш пухта, тизимли ва доимий жараёнга айланганлигини кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини таъминлаш нафақат уларни миллий қонунчилик тизимига уйғунлаштириш, балки кўп жиҳатдан давлат органлари тизимида фаолият олиб бораётган ходимларда халқаро ҳуқуқ нормалари билан ишлаш дунёқарашини, амалиётини шакллантириш билан ҳам боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, бугун мамлакатимиз судлари фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бораётганлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Тадқиқот маркази зиммасига суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидаларини рўёбга чиқариш самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, шунингдек, суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш, миллий қонунчиликка татбиқ этиш каби устувор вазифалар юклатилган.

Ушбу вазифа ҳар биримиздан ўз фаолиятимизга жиддий масъулият билан ёндошишни, инсон ҳуқуқларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш борасида фидокорона меҳнатни талаб этади.

Зотан, Юртбошимиз томонидан билдирилган ишонч ва зиммамизга юкланган масъулиятли вазифалар ягона эзгу мақсадга — бугунги ва эртанги ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

**Тўлқин ТУРСУНОВ,**
**Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази бош маслаҳатчиси**

• *Мезон*

# Архив иши

## уни ривожлантириш учун 2011 йилгача 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш режалаштирилган

**КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 42 ва 49-моддаларига мувофиқ давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади, маданият ёдгорликлари эса давлат муҳофазасида. Ўз навбатида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.**

АЙТИШ ЖОИЗКИ, сўнгги йилларда маданий ривожланиш соҳасининг йўналишларидан бири бўлмиш архив фаолиятига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Бу Вазирлар Маҳкамасининг асосан иккита меъёрий ҳужжатида яққол намоён бўлди. Бу 2004 йил 3 февралдаги **"Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги 49-сонли ҳамда жорий йил 26 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 194-сонли қарорлар.

Мазкур қарорга мувофиқ архив ишини бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида "Ўзбошархив" бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлигига айлантирилди. Янги идоранинг мақоми хам янгича белгиланиб, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун тегишли ваколатлар берилди.

Мазкур қарорнинг асосий мақсади, қисқа муддатда (2009-2011 йиллар) республикамизда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда тармоқнинг норматив ва методик базасини такомиллаштиришдан иборат. Адлия органлари тизимида ҳам ушбу мақсадларга эришиш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда тизимдаги архивлар фаолиятини ва техник таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Архив хоналарининг техник ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш, хоналарни техник жиҳозлар билан таъминлаш, ҳужжатларга илмий-техник ишлов бериш учун маблағлар ажратиш, ҳужжатларни давлат сақловига тайёрлаш ва тегишли давлат архивига топшириш, адлия органлари ва муассасаларининг архивида иш юритувни ўрганиш маълумотномалари асосида умумлаштириш, таҳлил қилиш, тегишли кўрсатмалар тайёрлаш ҳамда архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш курсларига ходимларни жалб этиш шулар жумласидандир. Бу каби тадбирлар деярли барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, 2011 йилгача мамлакатимизда архив иши ва иш юритишни ривожлантиришга жами 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш режалаштирилганлиги Дастурда белгиланган.

Айтиб ўтиш жоизки, архив фаолиятига оид деярли барча меъёрий ҳужжатларда битта масалага алохида урғу бериб ўтилган. Яъни мамлакатимизда ҳозирги архив фаолияти учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи. Негаки, ҳалқимизнинг бой маданий мероси муҳрланган хужжатларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муҳим масалага айланиб бормоқда. Қолаверса, ижтимоий муносабатларнинг тараққий этиши натижасида ҳужжатларнинг ҳажми кундан кунга кўпайиши билан уларни сақлаш шароитларини ҳам тизимлаштириш орқали тубдан ўзгартириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Катта ҳажмда ҳужжат айланадиган адлия органларида ушбу масала алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу борада жорий йилнинг 24-28 ноябрь кунлари ташкил этилган малака ошириш курслари адлия органлари ва муассасалари архивчиларининг ўз соҳасидаги билим ва кўникмаларини том маънода янгилаб, тизимлаштиришга хизмат қилди. Тингловчилар "Ўзархив" агентлигининг малакали ўқитувчиларидан мамлакатимиздаги архив фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий базадан бошлаб архивларнинг интернет-ахборот порталигача бўлган кенг мавзулар мажмуини ўзлаштириб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Энг муҳими эса бу орқали уларнинг архив фаолиятига бўлган муносабати ўзгарди.



Қувонарлиси шундаки, архив фаолиятини ислоҳ қилиш йўлида турган ҳозирги кунимизда режалаштирилган тадбирларимизнинг ҳам асосланган маънавий, ҳам пухта ишланган ҳуқуқий асоси бор. Бу эса қилаётган ишларимиз ҳадемай самара беришига ишонч бағишлайди.

**Шоҳруҳ МАМАТОВ,**
**Адлия вазирлиги архиви мудири**

BANK

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ «ХАЛҚ БАНК»И



**Мамлакатимиз барча фуқароларини яқинлашиб келаётган 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» билан самимий муборакбод этади. Янги йилда Сиз, азизларга мустаҳкам соғлик, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга кут-барака тилаган ҳолда «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Бунда Сиз:**



- Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- Даволаниш ва дори-дармонлар сотиб олиш;
- Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-ҳашак харид қилиш;
- Республикамизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш каби қатор имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

**ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ.**


### ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:*

*Тендер таклифларни қабул қилиш муддати 2009 йил 29 январь Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.*

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл) | Бошланғич нархи (минг АҚШ долл) |
|---|---|---|---|---|
| "Қўқон спирт" ОАЖ | Фарғона вил. Қўқон ш. | 47,00 | 8 159,0 | 3 000,0 |
| "Самарқандкимё" ОАЖ | Самарқанд вил. | 100,00 | 20 506,0 | 7 300,0 |
| "Марказий" меҳмонхона мажмуаси | Тошкент ш. | 100,00 | 40 183,3 | 25 292,4 |
| "Tashkent Palace" МЧЖ ҚК | Тошкент ш. | 99,00 | 37 000,0 | 17 160,0 |
| "Ўзбеккўмир" ОАЖ | Тошкент ш. | 35,55 | 30 579,8 | 232 000,0 |
| "Ўзпахтамаш" ОАЖ | Тошкент ш. | 50,00 | 6 567,5 | 5 500,0 |
| "Сарбон-Нефтгаз" ОАЖ | Тошкент ш. | 25,00 | 763,2 | 800,0 |
| "Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш" ОАЖ | Бухоро вил. | 23,00 | 5 180,2 | 10 150,0 |
| "Жиззах пластмасса" ОАЖ | Жиззах ш. | 57,70 | 3 630,0 | 5 000,0 |
| "Нақлгазмахсусқурилиш" ОАЖ | Тошкент ш. | 20,00 | 2 302,0 | 700,0 |
| "Косон-1 пахта тозалаш" ОАЖ | Қашқадарё вил. | 26,00 | 1 898,8 | энг юқори |
| "Гурлан пахта тозалаш" ОАЖ | Хоразм вил. | 26,00 | 1 222,6 | энг юқори |
| "Ходжаабадское управление технологическим транспортом" ОАЖ | Андижон вил. | 25,00 | 376,053 | 240,0 |
| "Нефт ва газ қудуқларини синаш" ОАЖ | Қашқадарё вил. | 22,90 | 1 981,7 | 400,0 |
| "Нефтгазтадқиқот" ОАЖ | Бухоро вил. | 25,00 | 110,0 | 940,0 |
| "Қашқадарё технологик транспорти" ОАЖ | Қашқадарё вил. | 25,00 | 3 600,0 | 2 000,0 |
| "Тошкент иссиқлик электр станцияси" ОАЖ | Тошкент ш. | 47,00 | 7 350,0 | 135 700,0 |
| "Чимбай май" ОАЖ | Қорақал-тон Республикаси | 14,24 | 198,3 | 738,0 |
| "Гидромахсусқурилиш" ОАЖ | Тошкент ш. | 69,00 | 2 100,0 | 2 180,0 |
| Бухоро вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти | Бухоро вил. | 25,00 | 494,7 | 12932 млн.сўм |
| Навоий вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти | Навоий вил. | 25,00 | 284,0 | 156,3 млн.сўм |
| Жиззах вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти | Жиззах вил. | 25,00 | 911,0 | 496,1 млн.сўм |
| Хоразм вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти | Хоразм вил. | 25,00 | 683,0 | 113,3 млн.сўм |
| Фарғона вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти | Фарғона вил. | 25,00 | 821,0 | 1 225,0 |
| "Чиноз" дам олиш маскани | Тошкент вил. Чиноз тум. | 100,00 | 250,0 | 1 000,0 |
| "Лайнер" дам олиш маскани | Тошкент вил. | 100,00 | 796,8 | 180,0 |
| "Шаршара" болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Наманган вил. | 100,00 | 249,0 | 142,5 |

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи хужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Валюта рақами № 20203840500600289001, Ҳисоб рақами № 20203000600600289001, "Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарход кўч., 12 – "А" уй ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

**Тендер таклифларини очилиши 2009 йил 29 январда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Кимёсаноат соҳаси корхоналари бўйича:**

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шох кучаси, 55- уй Давлат мулки қўмитаси биноси, 17 қават.

Бош директор в. б. Ахмеджанов Халил Хакимжанович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2251
Факс: +998 (71) 259 2279
**Эл. Почта: ccpbuz@tps.uz**

**Пахтасаноат ва нефт-газни қайта ишлаш корхоналари бўйича:**

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55- уй

Давлат мулки қўмитаси биноси, 15 қават.

Бош директор Набихонов Саъдуллахон Хамидуллахонович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2223
Факс: +998 (71) 259 2142
**Эл. Почта: eibb@tps.uz**

**Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Маматов Одилжон эътиборига,**
**Телефон: +998 (71) 150 72 13, Факс: +998 (71) 259 20 72, Эл. Манзил: www.gki.uz**

● *Касб-ҳунар коллежларида*

# Ёшлар салоҳиятини ошириш

## орқали келажак пойдевори тикланади

**БУГУНГИ КУНДА ҳукуматимиз томонидан Навоий вилоятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам бундан далолатдир. Мақсад, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат.**

БУ ЭСА, албатта, етук кадрлар тайёрлаш масаласига бориб тақалади. Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси эса кадрлар тайёрлаш ишига баҳоли қудрат улуш қўшиб келмоқда. Бу илм даргоҳида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш ва маънавий салоҳиятини юксалтириш учун барча шароитлар яратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ёшлар йили»да бу саъй-ҳаракатлар янада фаоллашди.

Таълим масканида 87 нафар ўқитувчи-муҳандис 2314 нафар талабага касб йўналишлари бўйича маҳорат сирларини ўргатмоқдалар. Ахборот-ресурс маркази, 35 та ўқув хонаси, 200 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона, 8 та лаборатория, 2 та компьютер ва 4 та лингафон хонаси ўқувчилар хизматида. Ишлаб чиқариш устахонасида 8 та таълим йўналиши бўйича махсус хоналар замонавий жиҳозланган.

Ёшларнинг бўш вақтини фойдали ишларга буриш мақсадида 30 дан ортиқ фан тўгараклари ва 15 дан ортиқ спорт секциялари ташкил этилган. Бу тўгараклар талабаларнинг билим ва кўникмаларини ошириш билан бир қаторда уларда изланувчанлик салоҳиятини юксалтириш учун пойдевор бўлмоқда. Айниқса, «Ниҳол» ёш ижодкорлар тўгарагида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ёш қаламкашларнинг шеър ва мақолалари матбуот нашрларида мунтазам чоп этиб келинмоқда. Жумладан, Зафар Қаҳҳоров, Руслан Очилов, Навбаҳор Шомуродова ва Аҳрор Очиловларнинг ижод намуналари ўз ўқувчиларини топаётир.

Спорт зали ва майдончалари, бокс ринги, кураш майдони доим ёшлар ихтиёрида. Кўплаб чемпионлар, юқори разрядли спортчилар етишиб чиқмоқдаки, бу коллеж нуфузини оширмоқда. Жумладан, «Шунқорлар» ҳарбий спорт жамоаси республика биринчилигида фахрли ўринни эгаллаганлиги фикримиз тасдиғидир.

Жорий йил май ойида Жиззах шаҳрида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловида коллеж вакиллари «Энг аҳил жамоа» номинацияси бўйича, коллеж талабаси Шаҳбоз Нусратов эса ёшлар ўртасида «қўл жанги» бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, устозлари ишончини оқлашди.

Шуни таъкидлаш лозимки, маънавий-ахлоқий қадриятлар улуғлигини ёшлар онгига сингдириш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган. «Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари», «Диний экстремизм ва ақидапарастлик» мавзуларига бағишлаб ўтказилган тадбирлар ёшларга тўғри йўлни кўрсатишда муҳим роль ўйнамоқда.

— Талаба-ёшларимиз нафақат жамоат ишларида, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида фаол қатнашмоқда, балки ўқиш ва хулқи борасида ҳам намуна бўлардилир, — дейди коллеж директори, кимё фанлари доктори, профессор Баҳодир Муҳиддинов.

Дарҳақиқат, изланувчан ва юксак чўққилар сари интилувчан ёшларгина келажагимизнинг муҳим ва муқим пойдевори бўла оладилар.

**Ўткир ПЎЛАТОВ**


*28 январда Миллий авиакомпания ташкил топганига 17 йил тўлади*

UZBEKISTAN airways



**Пасайтирилган тарифлар бўйича авиачипталар фақатгина 2008 йил 22 декабрдан 2009 йил 31 январгача сотилади.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ўзининг 17 йиллиги шарафига 1 январдан 31 мартгача бажариладиган**

**МДҲ ШАҲАРЛАРИ ҚАТНОВЛАРИГА**

17 ЙИЛ — 17 %

авиачипталар нархининг пасайтирилганлигини эълон қилади

**Шошилинг! Чипталар сони чекланган!**

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар - (998-71) 140-02-00

www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

TURON BANK жамоаси

Барча юртдошларимизни кириб келаётган янги 2009 йил билан муборакбод этади. Хонадонингизга қут-барака, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайди.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

2009

Очиқ акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»

G'ALLABANK

Азиз юртдошларимизни янги 2009 йил билан муборакбод этади! Янги йил Сизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака, юртимизга тинчлик ва фаровонлик олиб келсин!

Янги йил арафасида «Ғаллабанк» йиллик 26 фоиз даромад келтирувчи янги омонат турларини таклиф этади:

«Қиш зийнати» — омонат муддати — 2 ой, Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«Янги йил» — омонат муддати — 4 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

«Ният» — омонат муддати — 6 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

Маблағлар 2008 йил 22 декабрь кунидан 31 декабрь кунигача қабул қилинади.

Аҳолининг «Ғаллабанк»даги омонатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.

Омонатларга маблағлар «Ғаллабанк»нинг барча филиалларида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89 www. gallabank.com

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

● *Яхшилар эди*

# Борлиғу йўқлик оралиғида...

**ЎТАЁТГАН ЙИЛДА мустақиллигимизнинг 17 йиллигини кенг нишонладик. Халқимизнинг орзу, умидлари, армонларини рўёбга чиқарган ушбу сана айтиш мумкинки, мангу муқаддас кунга айланиб қолиши шубҳасиз. Негаки, мустақилликкача бўлган даврда халқимиз бошидан кечирган азоб-уқубатлар, хўрланишлар ҳали-ҳамон миллатимиз бағрида битмас ярадек азоб бериб келади. Ўша мудҳиш кунларни эсга олишга мажбур қилади. Ва шунинг баробарида қалбимизни бугунги шукуҳли кунларга нисбатан шукронага тўлдиради.**

ЯҚИНДА самарқандлик қаламкаш Убайдулла Рўзиевнинг "Адолат" нашриётида чоп этилган "Пок номи барҳаёт" номли китоби (2008 йил) қўлимга тушиб қолди. Китобни варақлаб, унга қизиқишим ортди. Китобда келтирилишича, ўша кезларда ўзига тўқ деҳқонларни қулоқ қилиш, қишлоқ хўжалигини бойлардан зўравонлик билан тортиб олинган ер-сув, мулк эвазига коллективлаштириш (колхозлаштириш) сиёсати, бунинг устига очарчилик, қурғоқчилик, халқнинг энг зиёли фарзандларига нисбатан 1930-1938 йилларда ўтказилган қатағон туфайли қишлоқ ҳаёти издан чиққан.

Ана шундай алғов-далғов даврда қўлидан ёзув-чизув келадиган, шеърлар ёзиб танилиб қолган, ўз ишига ўта масъулиятли Рўзи Султонов вилоят ва Республика раҳбариятининг розилиги билан тумандаги Митан (ҳозирги Иштихон) газетасига муҳаррир этиб тайинланади.

Болалагидан илмга чанқоқ Рўзи Султонов ён-веридагиларни, ёшларни, белида қуввати, билагида кучи бор эру аёлларни ўқишга даъват қилар, турли ўқув юртларига "йўлланма" ёздириб берар, газета саҳифаларида илм олиш масаласига кенг жой ажратар, туман ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни газета саҳифаларида аниқ мисолларда ёритар, камчиликларни эса очиқ-ойдин кўрсатиб берар эди. Бу йўлда у отаси ва онаси берган тарбияга, амакиси, Митан тумани ижроия комитети раиси Ғойибназар Султоновнинг йўл-йўриқларига суянар эди. Дарҳақиқат, вилоятда ёки туманда ўтадиган йиғилишларда Ғойибназар Султоновнинг қишлоқ иқтисодиётини ва маданиятини кўтаришдаги шахсий жонбозлиги, барча соҳаларда ютуқларни қўлга киритаётганлиги қайд этиларди.

Аммо афсуски, НКВД ходимлари 1939 йил 9 апрель куни туман газетаси муҳаррири Рўзи Султоновнинг уйига келиб унга бир гуруҳ шахслар билан хўжалик ва сиёсий ишларни барбод қилганлик, партия ва ҳукумат раҳбарларига туҳмат гапларни тарқатгани учун ўша кезда амалда бўлган ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси билан айблаб ҳибсга олишади ва уйини тинтув қилишади. Сўнгра амакилари Ғойибназар ва Абди Султоновлар ҳам қамаладилар.

Рўзибойнинг 23 ёшли хотини Туйғуной мулла Мирзо Улуғмурот қизи икки нафар гўдаги билан чирқираб қолаверади. Муштипар онанинг дуолари ижобат бўлиб, тўнғич Носир моҳир, қўли енгил врач, кенжаси Убайдулла таниқли иқтисодчи, вилоятда баобрў раҳбарлардан бири бўлиб етишди.

Аммо Убайдулланинг руҳияти ҳамон нотинч эди. Тенгдошларидан, ҳатто баъзи қариндошларидан ҳам "отанг ким эдики, сен ким бўлардинг?" деган ҳақоратларни эшитавериб, эзилиб кетганидан отаси ҳақидаги ҳақиқатни излаб топиш илинжи уни тинч қўймади.

Аллоҳнинг инояти билан 1989 йилда Ўзбекистонга халқ орзу қилган раҳбар Ислом Каримов бош бўлиб келдию, мамлакат аҳлининг ор-номуси, қадрияти ва тарихини тиклаш бўйича мисли кўрилмаган ишлар амалга оширила бошланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, соҳибқирон Амир Темурнинг пок номи тикланди, қатағон қилинганлар, "пахта иши"да маҳв




этилганларнинг ишини қайта кўриб чиқилиб, ноҳақ жабр тортганлар оқланди...

Бундан руҳланган Убайдулла устозларининг маслаҳатини ва дуоларини олиб 50 йилдан бери кўнглига тугиб юрган мақсадининг амалга оширилишига чин юрагидан ишониб, қўлига қалам олди ва Ўзбекистон Республикаси прокурори номига отасининг сўнгги тақдирини аниқлашда ёрдам беришларини сўраб ариза ёзди. Кўп ўтмай аризасига жавоб келди:

"Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг 1990 йил 31 августдаги М-838-Н-90-сонли қарори билан 1907 йилда туғилган Рўзи Султонов тўғрисидаги Самарқанд область судининг 1942 йил 26 октябрдаги ҳукми, ЎзССР Олий суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг 1942 йил 24 декабрдаги ажрими ва ЎзССР Олий суди Президиумининг 1960 йил 22 мартдаги қарори бекор қилинган ва уни айблаш ҳақидаги жиноий ишни қараб чиқиш ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги учун тўхтатилган, яъни у тўлиқ оқланган. Мазкур ҳужжатга Ўзбекистон ССР Олий суди раиси имзо чеккан".

Эътибор қилинг, бу ҳужжат Мустақиллигимиздан роппа-роса бир йил олдин, шўролар дағдағаси авж олган кезларда тасдиқланган. Чуқурроқ разм солсангиз, халқимиз ўз тақдирини излаётган ва ўз йўлбошчиси Ислом Каримов ортидан дадил интилаётган давр эди, ўша кунлар.

Убайдуллани энди отасининг қабрини топиш ўйлантирар эди. Излаб-излаб Маккани топибдилар, деганларидек, ўн саккиз йиллик сўраб-суриштиришлар уни Бўстонлиқ туманидаги Озодбош қишлоғига бошлаб борди. Шу ерлик азизлар маҳкумлар кўмилган жойни кўрсатишди. Кишининг кўнглига ғашлик соладиган бундай хароб гўристонни Убайдулла ота умрида ҳеч қачон кўрмаган эди. Унинг кўз олдидан шу ерлик кекса одамларнинг маҳбусларни қатл қилиш билан боғлиқ ҳикоялари даҳшатли кино тасмасидек ўта бошлади. Қўллари орқаларига боғлиқ маҳбуслар ҳандақ тепасига келтирилиб, тиз чўктирганлар ва бошларининг орқасига милтиқ тираб ўқ узганлар. Бошқа гуруҳ маҳбуслар ўликлар билан тўлган жарлик устидан тупроқ торган ва кейинги сафар ўзлари худди шундай тарзда қатл этилганлар. НКВД ҳужжатларида қайд этилишича Рўзи Султоновни 1943 йил 3 май куни бошининг чап томонидан ўқ узиб ўлдирган эканлар...

Инсон қадрини сариқ чақага олмаган шўролар ҳукумати ўз қурбонлари номини, ўзларининг қабиҳ ишларини изсиз ўчириш мақсадида улар мангу жой олган жарлик устидан "Қозоқ канали"ни кавлашни бошлайдилар. Шу ерлик иймонли халқ вакиллари экскаваторчиларга ялиниб, жарни эҳтиёткорлик билан қаздиришади ва марҳумларнинг суякларини йиғиб бошқа жойга қайта кўмишади.

Убайдулла Рўзиев шаҳид отасининг қабрини салкам етмиш йилдан кейин топиб, фарзандлик бурчини бажарганидан енгиллашган бўлсада, отаси ва у билан бирга маҳв этилганларнинг суяклари бир-бирига қоришиб ётган манзилдан кўнгли чўкиб уйига қайтганида, бу воқеалардан хабар топган дўстларининг "бу ишлар ҳақида китоб ёзсангиз арзийди", деган гаплари унга маъқул келди. Болалигидан ўзи учун эсдаликлар, шеърлар машқ қилиб юрган Убайддулла ота аждоди, зоти, қолаверса, ота ва она авлоди ҳақида тўплаган маълумотларни тартибга солиб нашриётга келтириб берди.

Азиз ўқувчи, китобдан бадиий нафосат, ҳайратга солувчи сўз ўйинларини исташ-ортиқча юмуш. Зеро, асарда бу талабдан юқорироқ мақсад қўйилган ва унга баҳоли қудрат эришилган. Биз мақоламизда иштихонлик журналист Рўзи Султонов, унинг амакилари Ғойибназар ва Абди Султоновларнинг фожиали ҳаётини, Мустақиллик туфайли уларнинг пок номи оқланганлиги ва ниҳоят улар ҳақида керакли китоб нашр этилгани ҳақида мухтасар тўхталдик.

**Муҳиддин ПОЛВОН**

# Қонун ҳужжатлари

## у қандай тартибга солинади

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ўз ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги ҳар қандай ахборот олиш эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишлари, қолаверса, корхона ва ташкилотлар, чет эл фуқаролари ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида, шунингдек, давлат органларида ҳам қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланишлари учун қонунчиликдаги ўзгаришлар, янги қабул қилинган норматив ҳужжатлар, ҳар хил қонун ҳужжатлари тўпламлари ҳамда фақат бирон-бир соҳага тегишли бўлган норматив ҳужжатларни тўплам шаклида нашр қилиш орқали кенг оммага етказилади.**



Ана шу вазифаларни бажарадиган ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳисобланади. Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот тарқатиш вазифасини амалга ошириш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-мҳ сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида Низомга асосан Адлия вазирлигида Қонун ҳужжатларини давлат реестри асосида юритилади ва ҳисобга олинган норматив ҳужжатлар умумҳуқуқий классификатори асосида туркумлаштирилади ва уларнинг картотекаси юритилади. Давлат ҳисобига олинадиган ҳужжатлар қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Қорақалпоғистон Республикасининг норматив-ҳужжатлари ва маҳаллий давлат органларининг норматив ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 июнда 1689-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган **"Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидалари"**га асосан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш амалга оширилади. Ушбу қоидада белгиланган талабларнинг бажарилишини ҳам Адлия вазирлиги назорат қилади.

Қонун ҳужжатларининг умумҳуқуқий классификатори асосида туркумлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон базаси ҳам мавжуд бўлиб, унда амалдаги қонунчилик унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан киритилиб борилади. Бундан кенг жамоатчилик Интернет тизими орқали бепул фойдаланиши мумкин.

**Камола ЗУННУНЖАНОВА,**
**ҳуқуқшунос**

*Амнистия*

# Инсон қадри улуғланади

**МАЪЛУМКИ, Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 28 августда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" Қарор қабул қилинди.**

**Бу суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини самарали таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади...**



БУ ҚАРОР муқаддам эълон қилиб келинган амнистия актларидан унинг фақат судлар томонидан қўлланиши, жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги ҳамда қарорни қўллаш тартиби ҳам Олий Мажлис Сенати томонидан белгилаб берилганлиги ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади.

Сенатнинг жорий йил 28 август кунги 530-1-сонли Қарори билан тасдиқланган «Амнистия тўғрисида»ги қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомда белгиландики, мазкур Қарор кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Қарорнинг 1-бандига асосан (мазкур Қарорнинг 7-бандидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) ўта оғир жиноятлар содир этмаган, биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланган ёшидан қатъи назар, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган, эркаклар ва доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган ҳамда озод этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари жазодан озод этиладилар.

Қарорнинг 2-бандига асосан тайинланган жазо тури ва меъёридан қатъи назар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар ҳам жазодан озод қилинадилар.

Демак, Қарорнинг 1-бандида алоҳида шахслар доираси инобатга олинган бўлса, иккинчи бандида эса доимо ҳушёр ва огоҳ юрмасдан эҳтиётсизлик билан жиноят қилган ёки оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятлар эътиборга олинган.

Қарорнинг 3 бандида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига алоҳида эътибор берилиб, унга кўра, мазкур Қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасалари тиббий комиссияси хулосаларига асосан белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган, деб топилган ҳамда қарор кучга киргунга қадар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъёридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган ва ҳукми мазкур Қарор эълон қилингунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод этилиши қарорнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Қарорнинг 3 ва 4-банди таъсир доирасига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахслар тушмайди.

Қарорнинг 5-бандига асосан содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилиб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказиладилар.

Қарорнинг 6-бандида унинг 1 ва 2-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар Қарорнинг 7-бандидаги чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда тугатилиб, бу тоифадаги шахслар жавобгарликдан озод этилаётган бўлса-да, жинояти оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

Бу Қарор кимларга татбиқ этилмаслиги 7-бандда аниқ кўрсатилган бўлиб, бу тартибга кўра, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивист, деб топилганларга, жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга унинг 1-банди ўта оғир жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди. Қарорнинг 1, 2, 5, ва 6-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланганларга татбиқ этилмайди.

8-бандга мувофиқ, Қарорнинг 3 ва 4-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинадилар.

Бунда маҳкумнинг тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги алоҳида инобатга олинган бўлиб, бу ҳолат унинг ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар, содир этган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги аризаси ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланиши лозим.

Маҳкумларга нисбатан амнистия актининг қўлланилиши судлар томонидан кўриб чиқилаётганлиги қонунларимизда белгилаб қўйилган қонунийлик, адолат, инсонпарварлик ва демократизм принципларининг янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

**Равшан МУҲСИНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Узун туман суди раиси**

MIKROKREDITBANK

# "Микрокредитбанк" сармояси муваффақият омилидир

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватловчи қатор Фармон ва қарорларнинг амалиётга татбиқ этилаётганлиги боис бугунги кунда иқтисодиётда улар улуши сезиларли поғонага кўтарилди.**





БУНДА, АЛБАТТА, молия муассасасалари шу жумладан банкларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Жумладан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорларни, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли микросармоялашга ихтисослашган янги молиявий ташкилот — "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки фаолият бошлаганидан буён ўзининг имтиёзли ва ҳар томонлама қулай, тезкор ва ишончли хизматлари билан республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олишга эришди. Айни пайтда мамлакатимизнинг турли жойларида банкнинг 78 филилали, 270 дан ортиқ мини банки 140 мингдан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк жорий йилнинг ўн бир ойи давомида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик соҳасига 52,3 миллиард сўмлик микромолиявий хизмат кўрсатди.

Банк томонидан аҳолига янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида 2008 йили Бойсун, Тахтакўпир, Ширин ва Бахмал туманларидаги агентликлар мини банкка айлантирилди. Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида янги мини банк ишга туширилди. Жума, Косонсой, Элликқалъа ва Чортоқ мини банклари филиал сифатида иш юритиб келмоқда.

Банк айни пайтда мижозларни молиявий тарафдан таъминлаб бориш баробарида ташкилий ишларнинг мазмун ва моҳиятини оммага етказиш борасида ҳам самарали тажрибага эга. Хусусан, ҳақиқий тадбиркорларни топиш, иқтидорларни юзага чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Хотин қизлар қўмитаси, Савдо –саноат палатаси ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги вакилликлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ўтаётган 2008 йилнинг "Ёшлар йили" дея эълон қилинганлиги ва бу борада алоҳида Давлат Дастури ишлаб чиқилиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган ғамхўрлик, уларнинг ўқиш ва ишлашлари учун янгидан –янги имкониятлар эшигини очиб берди. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки "Ёшлар йили Давлат Дастури" ижроси юзасидан вилоятлардаги юзлаб касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Уларни моддий ва маънавий қўллаб –қувватлаш ишларида ўз ташаббусларини таклиф этди. Бунинг натижасида 1270 нафар коллеж битирувчилари "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли микрокредитлари соҳибига айланишди. Биргина шу йилнинг ўзида фақат ана шу мақсадлар учун 1,2 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилган.

Шунингдек, 2008 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 7244 ёш оилага 12,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу жараёнда асосий эътибор оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали оиланинг доимий даромад манбаини яратишга қаратилди. Шунингдек, 3 898 ёш оилага 6,8 миллиард сўмлик имтиёзли икрокредит, 5,2 миллиард сўмлик маблағ имтиёзли истеъмол кредити сифатида 3334 ёш оилага берилди.

Ёшларнинг тадбиркорлик борасида амалга ошираётган яратувчилик ишларини сифат босқичига кўтариш, уларни ишлаб чиқариш фаолиятига янада кўпроқ жалб этиш мақсадида "Микрокредитбанк" "Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа" кўрик –танловини ҳамда республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" қўшма лойиҳани ташкил қилди. Мазкур танловда "Энг чекка қишлоқдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, 2008 йилнинг 10 ноябрида Президентимиз имзолаган **"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ана шундай эзгу ишларни рўёбга чиқариш йўлидаги яна бир дадил одим бўлди. Чунки мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини банкнинг имтиёзли кредитларига жалб этиш, бу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, сингари кўплаб вазифалар белгиланган.

Республикамизда бевосита Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йил ўзига хос ном билан аталиши ҳамда бу борада ишлаб чиқилган Давлат Дастури асосида аниқ вазифаларнинг белгилаб олиниши, уларнинг ижроси юзасидан ишларнинг изчил бажарилиши мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилаётир.

Бундай жараён эса тадбиркорлик субъектларининг моддий жиҳатдан фаол қўллаб –қувватланиши республикамизда ишлаб чиқаришни янада равнақ топтиришга корхоналарнинг зарур ва замонавий асбоб –ускуналар билан таъминланишига, демакки, янги қувватларнинг ишга тушишига, халқимиз учун ҳаётий маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўламининг ортишига, янги ишчи ўринларининг пайдо бўлишига замин тайёрлайди.

2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дея номланиши ҳам банк зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди ва келгуси йилда аҳолининг фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлар доирасини янада кенгайтириш учун янгидан – янги ташаббусларни юзага чиқариш имкониятларини беради. t

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

*Хусусийлаштириш*

**ҚАРШИ шаҳридаги 1-темир-бетон буюмлари корхонаси "Янги турдаги темир-бетон технологиялари" масъулияти чекланган жамиятига инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган эди. Мазкур МЧЖ томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар қандай самаралар берди? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги "Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш тўғрисида"ги 209-сонли карори асосида корхонада белгиланган инвестиция мажбуриятлари эвазига ишлаб чиқариш ва иш ўринлари қай йўсинда ортди?**

# Янгиланиш ва юксалиш сари

БИЗ ЯНГИЛАНГАН ва иқтисодиёти юксалаётган корхонага қадам қўяр эканмиз, ҳақиқатда бу ерда тўла қувватда ҳамда бир маромда иш ҳажми бажарилаётганига гувоҳ бўлдик. 4 та цеҳда иш суръати юқори. Ишчи-хизматчилар шашти баланд, кайфияти юқори. Асосан бетон қориш, арматура, қолиплаш ва тайёр маҳсулотлар цехида ишчи-хизматчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори технологиялар асосида тайёрланаяпти. Шу боис сифат ва самарадорлик буюртмачилар талабига мос тушмоқда. Корхонанинг йилдан-йилга иқтисодиёти юксалиб бораётганининг бирданбир сабаби – илгаридан мавжуд бўлган қарзларнинг тўлаб берилганлиги, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилаётганлигидадир. Хусусан 1-темир-бетон корхонасининг 161 миллион сўмлик солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлигига барҳам берилди. Дебитор ва кредитор қарзлар ҳам ўз вақтида бартараф этилди. Бу эса барқарор иш маромини йўлга қўйишда қўл келмоқда.

"Янги турдаги темир-бетон технологиялари" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариши деярли тўхтаб, қарздорлиги муттасил ортиб бораётган 1-темир-бетон буюмлари корхонасига 429 миллион сўмлик инвестиция киритди. Натижада наинки ишлаб чиқариш ҳажми ортди, балки тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳамда буюртмачилари сафи кўпая бошлади.

— Асосан биз 108 миллион сўмлик инвестицияни пул шаклида киритган бўлсак, 37 миллион сўмини турли эҳтиёт қисмлар ва бутловчи материаллар шаклида олиб кирдик, – дейди масъулияти чекланган жамият раиси Пўлат Турсунов. – Бундан ташқари 170 миллион сўмлик хом-ашё келтирилди ва 14 миллион сўмлик бошқа ҳаражатлар қилинди. Бу билан биз Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция киритиш бўйича мажбуриятларини тўла-тўкис адо этдик.

Корхона цехларида вилоятдаги ва қўшни вилоятларда фаолият кўрсатаётган буюртмачи корхоналарга шартнома асосида маҳсулот тайёрланаяпти. Энг йирик буюртмачилардан "Нефтегазмонтаж" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси, Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик компанияси тизимидаги ҳамда воҳадаги йирик объект – Деҳқонобод калей заводи ва коллежлар курилишида иштирок этаётган йирик корхоналар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Энг муҳими қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда етакчилик мавқейини қўлга киритиш йўлида саъй-ҳаракат олиб бораётган мазкур МЧЖ фаолиятига буюртмачилар томонидан сира эътирозлар йўқ. Бу эса буюртмачилар сафини наинки воҳада балки қўшни вилоятларга кенгайишига ҳам олиб келаяпти. Шу маънода Навоий ва Бухоро вилоятларидаги қурилиш ташкилотлари ҳам бу МЧЖ маҳсулотларига харидор бўлмоқда.

— 2008 йилнинг 11 ойида 1 миллиард 700 миллион сўмлик турли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик, — дейди "Янги турдаги темир-бетон технологиялари" масъулияти чекланган жамияти ҳисобчиси Флюра Бадикова. — Ёки шу муддатда 4015 метр-куб темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Давлатимизнинг биз тадбиркорларга кўмаги мазкур корхонанинг бизга ивестиция мажбуриятлари эвазига бепул сотилиши имкониятларимизни янада оширди, — дейди МЧЖ раиси Пўлат Турсунов. — Ҳозирги кунда 85 нафар кишини доимий иш билан таъминладик. Бу кўрсаткич 2009 йилда 100 нафар кишига етиши мўлжалланмоқда. Ишчиларнинг ўртача 250 минг сўмдан маош олиши ва ойликни ўз вақтида бериб борилиши иш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир ўтказмоқда. t

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




# Қиш

*Қорга ёздим Исиндим —*
*Ўт ўрлади Исмингдан*
*Олис чоғлар музлаган*
*Баҳор ёнди кўксимда...*

*Чарсиллар қор учқуни*
*Шамол ўйнаб учирар...*
*Зарра-зарра қорларга*
*Фалак Исминг кўчирар...*



# Айни Янги йил кечасида

## Олам қувончи



Мусаввар БАДРИДДИНОВА,
Гавҳар АБДУЛЛАЕВА,
Элликқалъа тумани Тиббиёт бирлашмаси туғуруқхона шифокорлари

**ДУНЁДА ҳамма касбнинг ўз ўрни бор. Аммо инсон самарали меҳнат қилиши учун доимо соғлом бўлиши зарур. Бу унинг турмуш тарзида ҳам, иш жойида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дунёга келган гўдаклар саломатлиги учун қайғуриш биз шифокорларнинг асосий бурчимиздир.**

*АЙНАН ана шу шарафли бурчимиз юзасидан баъзан янги йилни оиламиз даврасида кутиб ололмаймиз. Аммо бунинг хавотирли жойи йўқ. Беморларимиз соғлом бўлиб, шифохонадан хуш кайфиятда чиқиб кетаётган кун шифокорлар учун катта байрам аслида.*

*Тилагим, янги кириб келаётган 2009 йил барча оилаларга хотиржамлик, осойишталик ва энг асосийси, саломатлик олиб келсин.*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*

## Ҳамиша хизматдамиз



Дилбар НАЗИРОВА,
алоқачи

**ЯНГИ ЙИЛ – мен севган байрамлардан бири. Уни интиқлик билан кутаман. Аммо касбий фаолиятим туфайли бу байрамни оилам даврасида нишонлай олмайман. Айни янги йил кечаси қўлимиз-қўлимизга тегмай хизматда бўламиз. Аслида иш кунимнинг янги йилга тўғри келиши 4 йилда бир марта бўлади.**

*СЕВГАН байрамимни оила даврасида ўтказмасам ҳам халқимиз билан бирга, уларнинг мушкулини осонлаштирганимиздан фахрланаман. Аслида бу касбни барча заҳмату қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда танлаган эдим.*

*Янги йилда барчага омад тилайман.*

## Халқимиз хотиржам бўлса...

**ЯНГИ ЙИЛ БАРЧА орзиқиб кутадиган байрам. Аслида ватанимиз осойишта ва оилаларимиз хотиржам бўлиши биз учун катта байрам. Шунинг учун Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари доимо хизматдамиз.**



Мурод ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Ёнғинни олдини олиш бўлими катта инспектори, капитан

*ОИЛА ДАВРАСИДА бехавотир байрамни нишонлаётган фарзандларимиз хурсандчилиги, юртдошларимизнинг байрам ва шодиёналарда кўтаринки кайфиятда юришлари биз ва айнан байрам куни ишлаётган инсонлар фаолияти билан боғлиқ экан, биз доимо хизматдамиз.*

*Янги йилни нишонлаш учун тайёргарлик кўраётган барча фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Янги йил" байрам тадбирлари ўтказиладиган масканлар атрофида жойлашган 346 та турли хилдаги корхона ва ташкилотлар, 2887 та аҳоли турар жойлари, 251 та кўп қаватли турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида мутассадди ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги борасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.*

*Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ЮРТДОШЛАР!*

● *Изоҳ*

# Ҳуқуқий тарбия
## ёш авлод маънавиятининг негизи бўлиб қолади

**МАЪНАН БАРКАМОЛ, ҳуқуқий савияси юксак, чуқур билимли ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг қатъий талаби эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, ҳар бир ўқувчи онгига индивидуал равишда юксак билим ва эътиқод, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш ҳар бир педагог ходимнинг кун тартибига, дастуриламалига айланиши шарт. Шу мақсадда Иккинчи Тошкент юридик коллежида ҳам етук малакали ва билимли кадрларни тайёрлашга бирламчи зарурият сифатида қаралади.**



ТАРИХАН қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини ўзида тўлиқ қамраган ислоҳотлар ва либераллаштириш сиёсати билан ўқувчи ёшларни таништириш, уларга бу масалалар бўйича назарий ва амалий тушунтиришлар бериш коллежимиз педагог-ходимларининг олдига қўйган муҳим вазифа ҳисобланади. Жамоамиз давлат ва жамият ҳаётида кечаётган ҳуқуқий янгиланиш ва модернизация жараёнини, айниқса, кейинги бир йил ичида қабул қилинган қонунлар ва бошқа бир қанча ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўқувчилар онгига сингдиришда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бу мавзуларга бағишлаб дарсдан ташқари алоҳида маъруза ва семинарлар, давра суҳбатлари ўтказмоқдалар.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий ислоҳотлар билан уйғунликда олиб бориш мақсадида коллежда бир қанча дастурлар, маънавият соатлари, "Конституция менинг ҳаётимда", "Оила — жамият таянчи", "Сиз қонунни биласизми?" каби кўрик танловлар ўтказилмоқда. Унда ўқувчилар таълим жараёнида ўзлаштирган билимларини намоён қилмоқдалар. Шунингдек, **"Конституция — бахтимиз пойдевори"** номли кўрик танловнинг республика босқичини ўтказиш ҳам бизнинг коллежимизда анъанага айланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни замон талабларига жавоб берадиган муносиб кадрлар қилиб тайёрлашдан иборат. Ўз навбатида ўзгаришлардан бохабар қилиш ва мунтазам равишда ўқувчиларни таништириб бориш бизнинг олий, асосий мақсадимизга айланган.

**Ҳимоят ҲАЙДАРОВА,**
**2-Тошкент юридик коллежи ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири**

# Сиздан миннатдормиз!

**ЯНГИ ЙИЛ оқшомида газета саҳифаланаётганда байрамни ишхонада кутиб оладиган фидойи ҳамкасбларимиз бор. Навбатчи мухбирларимиз ҳар бир мақолани бехато, сифатли босилиши учун масъулият билан ёндошадилар.**



*Саҳифа чоп этилиши учун "Шарқ" НМАК цехларига юборилганда эса улар матбаачилар — цех ходимлари билан бирга бўлишади. Навбатчи мухбирлар, "Шарқ" НМАКда меҳнат қилаётган, газетанинг янги сонини ўз ўқувчиларига етказиш учун айём тунида оёқда тик турган, ўз ишига содиқ матбаачи опа-сингилларимиз, ака-укаларимизнинг меҳнатига таҳсин айтамиз.*



*Очиғи, газетанинг қиёфаси, сифати асосан ана шу оддий, камтарин, хизмати ҳалол инсонларга боғлиқ!*

*Сиз билан бизнинг мақсадимиз бир — оммани воқеликдан хабардор қилиш, юртга маърифат нурини таратиш! Шундай экан, келаётган йилда ҳам меҳнатингиз роҳатини кўриш барчангизга насиб этсин!*

**МАМЛАКАТИМИЗ суд-ҳуқуқ органлари ҳаммуассислигида чоп этилаётган 'Huquq va Burch" журналининг 2008 йил 12-сони нашрдан чиқди. Журналнинг дастлабки саҳифаси Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси билан бошланади.**

## Журналнинг янги сони



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р. Муҳитдиновнинг "Ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари доимий эътиборда" деб номланган мақоласида "Ёшлар йили" давлат дастури доирасида ёшлар ҳуқуқлари кафолатларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан олиб борилган ишлар хусусида сўз юритилади.

Журнал саҳифаларидан халқимизнинг хоҳиш-иродаси, донишмандлиги, ижтимоий тафаккурини ўзида акс эттирган қиёси йўқ ҳужжат – мамлакатимиз Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган туркум мақолалар ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Н. Йўлдошевнинг "Конституциявий тамойилларнинг амалдаги ифодаси", Б. Араловнинг "Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати йўлида", Х. Пўлатовнинг "Конституция ҳуқуқ ва эркинликлар гаровидир" мақолалари шулар жумласидан.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Олий суди раиси Қ. Ералиевнинг "Хатарли савдо" номли мақоласида одам савдосидек глобал ва долзарб муаммонинг келиб чиқиш омиллари, унинг олдини олишга доир кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳақида сўз боради.

Юридик фанлар номзоди Ҳ.Муҳаммедовнинг "Қонунчиликни тизимлаштириш: хориж тажрибаси" номли мақоласи бу борада чет эл тажрибасини ўрганиш, мамлакатимизда ушбу соҳага доир муаммоларни бартараф этиш, хориж амалиётида самара берган усул ҳамда воситалардан андаза олишга бағишланган. Тадқиқотчилар Д. Аҳмедов, О. Турғуновнинг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш шакли сифатида" номли мақоласида мамлакатимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ҳақидаги илмий мулоҳазалар жой олган.


## ЭЪЛОН!

**Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

*1. "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси — 1*
*2. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедрасига доцент — 1*
*3. "Хорижий тиллар" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1*
*4. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар" кафедраси бўйича доцент — 1, ўқитувчи — 1*
*5. "Криминалистика" кафедраси бўйича ўқитувчи — 1*
*6. "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси бўйича доцент — 1*
*7. "Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи" кафедраси бўйича ўқитувчи — 1*
*8. "Жиноят процесси" кафедраси бўйича ўқитувчи — 1*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Ректор номига ариза*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа*
*3. Олий маълумотли, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхаси*
*4. Илмий ишлар рўйхати*

*Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.*

**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.**
**Телефон: 236-09-39, 233-66-36.**


Фарғона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 декабрдаги қарорига асосан Фарғона шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Мурод Азимовга нисбатан 2008 йил 14 ноябрда қўзғатилган жиноят иши судда кўрилиб, қонуний ҳал бўлгунига қадар унга 2008 йил 22 январда берилган FE 000135 рақамли лицензиянинг амал қилиши «Ўзбекистон Республикаси Фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 45-бандига кўра тўхтатилди.


## ЭЪЛОН!

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрен шаҳар ва Оҳангарон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Тошкент вилоят адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03**


**ЎЛКАМИЗГА янги йил кириб келмоқда. Кутилаётган йил шарқ тақвими бўйича сигир йили ҳисобланади.**

# Сигир йили



БАРЧА ХАЛҚЛАРДА сигир қут-барака тўкинчилик шу билан бирга ҳалол меҳнат ва яратувчанлик рамзидир. Масалан, Ҳиндистоннинг миллий удумларига кўра, сигир муқаддас жонзод сифатида илоҳийлаштирилиб, жуда эъзозланади. Сигир эзгулик рамзи бўлган оқлик манбаидир. Феъл атворига кўра, осойишта вазмин сигир йилида она заминимизда ҳосилдорлик, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик янада қарор топиши муқаррар.

Лекин тақдирнинг тасодифий ютуқлари ва қалтис ишларнинг муваффақиятларидан умид қилманг. Сигирнинг ўта меҳнаткаш, тўғри йўлдан юришини доимо ёдда тутинг. Демак, янги йилда фақатгина ҳалол, меҳнаткаш, софдил ва самимий, ғирромлик ва манманликдан йироқ инсонларга омад кулиб боқади.

Барча мучал соҳиблари ушбу йилда ўзларининг заковати, ақл идроки асосидагина фаровон турмуш ва юксак ютуқларга эриша оладилар.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА**

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатлар малака комиссиясининг 2008 йил 10 декабрдаги 6-сонли йиғилиши қарорига асосан мазкур бошқарма томонидан 2004 йил 24 апрель куни Абдусаматов Самад Норбаевич номига берилган SI 000134 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши бир ой муддатга тўхтатилди.


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

**Индекс: 646882**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-1115. Тиражи — 11153. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8